



UZBEKISTON
RESPUBLIKASI
JALIIY KITOB PALATASI
INV. №

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2009 йил
17 июнь
ЧОРШАНБА
№ 48
(12.163)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

Эркин нархда сотилади

www.th.uz

ОДКБ ЙИҒИЛИШИ

Москва, 14 июнь. (ЎЗА махсус мухбири Анвар Бобоев хабар қилади).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 14 июнь кун Россия Федерацияси пойтахти Москва шаҳрида бўлиб ўтган Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти (ОДКБ) Коллектив хавфсизлик кенгашининг сессиясида иштирок этди.

Йиғилишда Ўзбекистон, Россия, Арманистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон раҳбарлари иштирок этди.

Сессияда ОДКБнинг Коллектив оператив ҳаракат кучларини (КСОР) тузиш ҳақидаги қарорининг ижроси кўриб чиқилди.

Саммитда ОДКБ қамраган ҳудудда хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, ташкилот фаолияти самардорлигини ошириш ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар муҳокама қилинди.

Шу кунги Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ва Қирғизистон Республикаси Президенти Курманбек Бакиевнинг учрашуви бўлиб ўтди.

Мулоқот чоғида икки томонлама муносабатларга ва минтақада сув-энергетика захираларидан оқилона фойдаланишга оид масалалар муҳокама қилинди.

ШҲТ САММИТИ

ЕКАТЕРИНБУРГ, 15 июнь. (ЎЗА махсус мухбири Анвар Бобоев хабар қилади.)

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг навбатдаги саммитида иштирок этиш учун Екатеринбург шаҳрига келди.

Саммит ШҲТ Давлат раҳбарлари кенгашининг тор доирадаги учрашуви билан бошланди. Унда Ўзбекистон, Россия, Хитой, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон раҳбарлари иштирок этдилар.

Президентлар ШҲТни янада ривожлантириш, унинг ҳузуридаги тузилмалар фаолиятини тақомиллаштириш, кузатувчи давлатлар ҳамда бошқа минтақавий ташкилотлар билан ҳамкорликни кенгайтириш масалаларини муҳокама қилдилар.

Саммитда халқаро молиявий-иқтисодий инқироз таъсирини юмшатиш ва оқибатларини бартараф этиш, минтақада хавфсизликни мустаҳкамлаш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

ЎЗА.

ШҲТ саммити 16 июнь кунги ўз иштини давом эттирди.

Таъбир

Қибрай тумани агротехник касб-ҳунар коллежиде, вилоят туманлари ва шаҳарларидаги ахборот-ресурс марказлари раҳбарлари иштирокида "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилда ахборот-ресурс марказларининг вазифалари" мавзусида семинар бўлиб ўтди.

АХБОРОТ-РЕСУРС МАРКАЗИ ВА ТАРАҚҚИЁТ

Вилоят "TURON" ахборот-ресурс маркази ташкил этган семинарда Тошкент Давлат техника университети доценти, тарих фанлари номзоди Ҳасан Абдуназаров Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг "Ҳақон молиявий-иқтисодий инқирози. Ўзбекистон шариоитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" асарининг тақдими, уни ўрганиш ва тарғибнинг илмий-усlubий жиҳатлари ҳақида маъруза қилди. Шунингдек, таъбир иштирокчилари Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида ахборот-ресурс марказларининг вазифалари, қишлоқ аҳолисини қонунийлик ва меъёрий ҳуқуқий негизлар ҳақидаги ахборот билан таъминлаш ва тиббий маданиятни ошириш юзасидан ахборот-ресурс марказларида олиб бориладиган ишлар масалалари бўйича фикр алмашдилар. "Баркамол авлод – Ватанинг бахти" электрон кўргазмасининг намоиши семинар қатнашчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Таъбир сўнггида барча иштирокчиларга "TURON" ахборот-ресурс маркази тайёрлаган илмий-усlubий қўлланмалар тақдим этилди.

2009 йил учун
ОБУНА
автом. ётмоқда.
"ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ"
газетасининг аналитика – 205.

ИНШОЛАР ТАНЛОВИ

Вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармасига қарашли коллежларда ўқувчиларни оғоҳликка чақирувчи, диний экстремизм ва терроризм иллатларини фожия эътибори "Мен терроризм хавфини қандай тушунаман" мавзусида иншолар танлови бўлиб ўтди.

Бўка тумани касб-ҳунар коллежларидаги дастлабки босқич баҳсларида Бўка педагогика касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Камола Турдалиева ёзган иншо юқори баҳога эришди ва ғолиб деб топилди.

Бехзод КАҲХОРОВ.



ДАРАХТЛАР КЕСИЛМАЙДИГАН БЎЛАДИ

Кўп йиллардан буён Бўстонлиқ тумани Қоранкўл қишлоғидаги 606 та оила табиий газ йўқлигидан қийналаётганди. Қиш кунлари кўпроқ ёш болалар оилаларнинг ташвишига ташвиш қўшилди. Ниҳоят, бу қийинчиликларга чек қўйилди – қишлоққа газ келди.

"Тошвилоятгаз" худудий газ таъминоти корхонасининг сай-ҳаракати ва Қоранкўл маҳалласи қўмитасининг ташаббуси билан "The building king" хусусий фирмасининг 20 нафар ишчиси 90 кун давомида қурилиш-монтаж ишларини олиб боришди. Чорвоқ кўрғонига йўналган газ тармоғидан 4 километрдан



ЗАВҚЛИ МЕҲНАТ, МАРОҚЛИ ҲОРДИҚ

ҳамоҳанг бўлган жойда экинлар яшнаб, деҳқоннинг дили яйрайди

"Юсупова Юлдуз" фермер хўжалиги дала шийпонини деҳқоннинг иккинчи уйига соя ташлаб, салқин қилади, ҳам иморатбоп бўлиб етилганлари бир бошдан кесиб сотилса, аъзоларнинг ош-овқати учун тайёр маблаг. Бир қақирим масофага қўзилган йўл ёқасидаги ошқовоқ гулга кирган. Айни пахта йиғим-терими палласида ички эҳтиёж учун ишлатадиган бўлади.

Қўрилиб турибдики, бундай дала шийпонлари нафақат Бекобод тумани, балки вилоятда ҳам бармоқ билан санарли десак муболага бўлмас керак.

Аслида ҳам шундай, – фикримизни тасдиқлайди фермер Абдумалик Абдуюсупов. – Қўлланма таҳликали шариот асосий вақтимизни далада ўтказишга мажбур этди. Бундай пайтда шинам дала шийпони

асқотади, албатта. Ҳордиқни ҳам, овқатланишни ҳам далага кўчириб, ғўза ниҳолларини хатарлардан асрадик, ўзини анча тутиб олишга эришдик. Яна икки-уч йилдан сўнг шийпонимиз тоғи нав узум ишқомлари билан янада ғўзал қиёфа касб этади. Юз туп ток кўчати экишга тайёрланаяпти.

Хўжалиқнинг 17 аъзоси хар бир туп ғўза тақдирини учун астойдил курашди. Ердаги ортиқча намли тезроқ қочириш мақсадида, кетма-кет уч марта культивация қилинди. Тўртинчисида культиваторларнинг

ишчи органлари ўзгача ўрнатилди, қатор оралари одатдагидан чуқурроқ юмшатилади. Бу ғўзанинг илдизи яйраб ривожланиши учун шароит яратди.

– Биз ҳам айни зарур пайтларда ёрдамга келдик, – дейди Акбарали Мирзаев маҳалласи оқсоқоли Қурбонали Тошпўлатов. – Ғўзани яғаналаш ва чопик пайтида маҳалла ахлини далага сафарбар этдик.

Вақтида ва ушшоқлик билан қилинган иш, албатта, самарали бўлади. Бугун хўжалиқнинг 32 гектар майдондаги ғўзаси дуркун ривожга кирган.

СУРАТДА: (чапда) фермер Абдумалик Абдуюсупов ва маҳалла оқсоқоли Қурбонали Тошпўлатов суғориш учун эгат олинаётган далааларни кўздан кечиришмоқда.

Даврон АҲМАД олган сурат.



Вазият

ПАРИШОНХОТИРЛИКМИ ЁКИ ЎЗБОШИМЧАЛИК?

Сўнгги йилларда вилоятимизда йўловчиларга намунали хизмат кўрсатишга бўлган юксак эътибор тўғрисида аҳолининг ўзгариш бўлаётган. Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан Тошкент вилоятининг ҳокимлиги йўловчи транспортини барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаментининг ташкил этилиши бу борада муҳим қадам бўлди, дейиш мумкин. Бугун департамент томонидан ўтказилаётган тендер танловлари тўғрисида вилоятимизнинг чекка туманларида ҳам йўловчи транспортни муаммоси бартараф этилмоқда.

Охириги икки йилда турли йўналишларга 800 га яқин "Исузи" русумидаги автобуслар қўйилди. Уларнинг аксарияти янги йўналишлардир. Собир Раҳимов автошўбекаидан Янгийўл шаҳри, Чиноз, Қўйчириқ туманларига 20 га яқин янги йўналишлар очилди. Бекобод, Олмалик, Ангрэн, Тошкент тумани йўналишларида ҳаракатланаётган транспорт воситалари хизматидан йўловчилар мамнун бўлмоқда.

Албатта, бу қувонарли ҳол. Лекин тизимда айрим муаммо, камчиликлар ҳам мавжуд эканлигини кўз юмиб бўлмайди. Айрим йўналишларда қатнаётган транспорт воситалари тендер талабларига риоя қил

маётганлиги кишини ранжити. Янгийўл шаҳридаги "Ҳамкор-Сервис" масъулия-тер битимига асосан "Ол-мазор кўрғони" – С. Раҳимов автошўбекаидан Янгийўл шаҳрига бириктирилган бўлишига қарамай, бугун ушбу йўналишдаги барча транспорт воситалари Янгийўл шаҳар темир йўл вокзалига қатнаётганлигини қандай изоҳлаш мумкин? Қолаверса, мазкур транспорт воситаларига берилган йўл варақаларининг аксариятида йўналиш "Ол-мазор кўрғони" – Янгийўл – С. Раҳимов" деб қайд этилган. Бинобарин, тендер талабларида йўналишни ўзбошимчилик билан ўзгартириш тақиқланишини

транспорт корхонаси мутасаддилари наҳотки билишмасан? "Намуна – Кафолот" МЧЖга қарашли транспорт воситалари эса юқорида номини зикр этилган йўналишда нақсоний ҳаракатланаётганлиги ҳеч қимми ажаблантирмапти. Ҳатто, айрим йўналиш тақсиллари пешойнасига очикдан-очик "Янгийўл темир йўл вокзали" – Олмазор – С. Раҳимов" деган ёзувлар қайд этилган.

Устига устак, йўналишдаги транспорт воситалари ҳайдовчилари чипталар билан таъминланмаган, баъзиларида ҳатто чипта-ҳисоб варақалари ҳам йўқлиги бизни таажжубга солди.

(Давоми 2-бетда).

